Уй-жой қурилиши — «Оқшом» назоратида







# КАЛИТЛАР ЭГАЛАРИГА МУДДАТИДА ТОПШИРИЛАДИ

БУНДАН бир ой муқаддам Юнусобод даҳасининг 5-болалар шифохонаси яқинида 81 оилага мўлжалланган уй фойдаланишга топширилган эди. Бугун ана шу уй ёнида яна битта турар жой биноси қад ростламоқда. Қурилиши икки йўналишда олиб борилаётган бу бинонинг дастлабки қуриб битказилган томонида пардозловчилар аллақачон иш бошлаб юборишган. Иккинчи қисмида эса тикловчилар меҳнат қилишяпти. Шу кунларда бинонинг олтинчи қавати пайвандланмоқда.

Бунёдкорларга Ўрмон Зокиров бошчилик қиляпти. Бу бригада жамоаси томонидан тикланган турар жой бинолари ҳисоб-китоб қилинса улар қирқтадан ошиб кетади. Бригадирнинг ўзи ҳар бир ишда жамоага ибрат бўлади. Оғир участкалардаги ишларни тажрибали қурувчи сифатида ўзи бажаради. Унинг ана шу фидойилиги ва ишчанлик фазилатлари туфайли ҳам комбинат аъзолари бир овоздан Ў. Зокировни КПССнинг бўлиб ўтган XXVIII съездига делегат этиб сайлашганди.

Шаҳримиздаги 3-уйсозлик комбинатига қарашли бу бригадада 28 бунёдкор бир ёқадан бош чиқариб ишламоқда. Улар турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлсалар-да, аҳил ва ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб ўзаро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Бунёдкорлар орасида номи кўпчиликка таниш бўлганлари ҳам талайгина. Масалан, улардан А. Михин, В. Листопад, Т. Шохобиддинов, Н. Кипсаевларни айтиб ўтиш мумкин. Қурувчилар билан яқиндан танишиш учун уларни суҳбатга тортамиз.

— Режаларимизни бажаряпмиз. Шароитдан ҳам нолимаймиз. Гарчи у талабга жавоб бермаса ҳам, — дейди бригадир Ў. Зокиров. — Лекин бизни бир нарса қийнаяпти. У ҳам бўлса материал танқислигидир. Биласизки, кўп қаватли қурилишларни арматураларсиз бажариб бўлмайди. Улар биноларнинг бақувват бўлишида, зилзила бардошлилигини яхши таъминлашда қўл келади. Бироқ, кейинги вақтларда биргина биз эмас, бошқа қурилишларда ҳам арматура танқислиги авж олаяпти. Бу танқисликнинг сабаби бор, албатта. Бизга бу материал илгарилари Челябинск ва Магнитогорск шаҳарларидан келтирилар эди. Ҳозир шартномачиларимиз ўз буюртмаларини мутлақо бажаришмаяпти. Областимизнинг Бекобод металлургия комбинати эса Тошкент қурилишларини бундай маҳсулот билан тўла таъминлашга ҳали қодир эмас.

Шунингдек ойна ромлари ва эшикларни келтириш ҳам тобора қийинлашмоқда. Лекин бир нарсани ўйлаш керак бўлади. Бу танқисликларку ўз йўлига, аммо қурувчининг бўш қолган кунлари учун ким ҳақ тўлайди? Мана шу муаммо туфайли баъзан турли-туман келишмовчиликлар пайдо бўляпти. Ишдан бўшаб кетиш ҳоллари рўй беряпти.

«Бизга аввало етарли материал беринг. кейин иш талаб қилинг», дейишмоқда бунёдкорлар. Айтишларича, ушбу қурилиш муддати ҳам бир ой кечикаётган эмиш. Бунга сабаб яна ўша танқислик.

— Лекин шунга қарамай жамоамиз тушкунликка тушаётгани йўқ, — дейди бригадир сўзини давом эттириб. — Куни-кеча аъзоларимиз билан келишиб олдик. Қолоқликка барҳам бериш тадбирларини ўйлаб, режалаб кўрдик. Хуллас, бинони белгиланган муддатда топширишга қарор қилдик.



СУРАТЛАРДА: пайвандчи А. Михин; қурилаётган бинонинг умумий кўриниши; олтинчи қаватда тиклаш ишлари бажарилмоқда; илғор қурувчилардан В. Листопад, Т. Шохобиддинов, Н. Кипсаевларни кўриб турибсиз.

Х. Солиҳов суратлари.

Жамоа пудрати: муаммо ва ечимлар

# БУРОМАДГА ЯРАША — ДАРОМАД

**СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 18-цехи икки йилдирки, жамоа пудрати асосида фаолият кўрсатмоқда. Янги усул тажрибада ўз афзалликларини намоён этди. Буни биргина ишчиларнинг ойлик даромадлари ошганлигида ҳам кўриш мумкин. Жамоада асосан трактор ва тиркамаларнинг қисмлари ишлаб чиқарилади. Корхонанинг асосий ишлаб чиқариши бўлмиш бу маҳсулотларнинг сифатлилиги кейинги жараёнларнинг аниқ ва тез бажарилишига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун цех аъзолари ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта лойиҳа стандартига мос келадиган деталлар тайёрлашга ҳаракат қилишади. Биз янгича меҳнат усулининг афзалликлари ва муаммолари ҳақида сўзлаб беришни ушбу цех бошлиғи О. Р. Кмицкевичдан илтимос қилдик.**

**— Олег Ростиславович, сир эмаски, ҳозир ҳамма жойда жамоа пудратига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Лекин кўпчилик ҳали бу сўзнинг луғавий маъносини тўла тушуниб етмайди. Айтингчи, жамоа пудрати дегани нима ўзи?**

— Кейинги йилларда тилимиз чиндан ҳам янги-янги атамалар билан бойимоқда. Масалан, жамоа пудрати, ижара пудрати, хўжалик ҳисоби каби жумлалар кундалик ҳаётимизга кириб бормоқда. Хўш, жамоа пудрати деганда нимани тушунмоқ керак?

Жамоа пудрати — меҳнатни ташкил этишнинг хўжалик ҳисобига асосланган илғор шакли. Жамоа пудратига ўтган цех корхона маъмурияти билан шартнома тузади. Шартномага кўра маъмурият ўз зиммасига цехни техник ҳужжатлар, воситалар, материаллар ва хом ашё билан таъминлаш масъулиятини олади. Бунинг эвазига цех маъмурият томонидан белгиланган режани ўз вақтида ва сифатли бажариш, корхона мулки бўлмиш техника мосламаларини, асбоб-ускуналарни, дастгоҳларни асраб-авайлаб ишлатиш мажбуриятини олади.

Жамоа пудратининг дастлабки куртаклари 70-йилларда нишона берган эди. Ўшанда қурилишда Суриков, Злобин каби донғи кетган бригада бошлиқлари жамоа пудратининг «боласи» — бригада пудратини жорий этиб, мисли кўрилмаган иш унумдорлигига эришишганди. Аммо «узоқни кўра биладиган» баъзи амалдорларга оддий ишчиларнинг ойига 600—700 сўм маош олиши ёқмади. Натижада ажойиб ташаббуснинг пайи қирқилди.

**— Мана сиз бошлиқ жамоа икки йилдан бери янги усулда ишлаяпти. Жамоа пудратига ўтиш фикри кимдан чиқди? Маъмурият ташаббуси билан амалга ошдими?**

— Йўқ. Бу таклиф собиқ цех бошлиғи, ҳозир 31-цехга раҳбарлик қилаётган В. Ф. Ходаревдан чиққан. У 1989 йил маъмурият билан шартнома тузган экан, жорий йилда мазкур шартнома муддатини яна узайтирдик.

**— Маълум бўлдики, жамоа пудрати хўжалик ҳисобига асосланган экан. Корхонанинг барча бўлинмалари хўжалик ҳисобининг биринчи модели (нусхаси)да фаолият кўрсатган ҳолда, 18-цех синов тариқасида иккинчи моделида ишлаяпти. Жамоа пудрати — демак хўжалик ҳисоби иккинчи моделининг айнан ўзи эканда? Моделлар орасида тафовут каттами?**

— Биринчи моделда иш ҳақи жамғармаси бевосита даромадга боғланмаган. Бу жамғарма маҳсулот эвазига олинадиган маблағ ҳисобига ташкил топади.

Иккинчи моделда эса олдин даромаддан барча тўловлар молия ва вазирлик тушумлари чегириб ташланади, сўнг эса қолган даромаднинг бир қисми маданий-маиший шароитларни яхшилаш мақсадидаги жамғармага тўпланади. Ана ундан қолгани эса ягона меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини ташкил этади. Ишлаб чиқарган маҳсулотимиз эвазига тўланадиган пул таъбир жоиз бўлса, бир «уюмга» тўпланади. Бу «уюм» — меҳнат ҳақи жамғармасидан умумий салмоққа қўшган ҳиссасига қараб ишчи-хизматчиларга маош сифатида тўланади. Самарали усул жуда баракали чиқди. Ишчиларнинг ўртача маошлари 400—500 сўмни ташкил этаяпти. Тажрибали ишчиларимиз 700 сўм атрофида олган вақтлари ҳам бўлган. Муҳандис-техник ходимларга келсак, уларнинг меҳнат фаолиятларида ҳақиқий рағбат ҳиссини уйғотдик. Илгари қатъий маош билан чегараланган хизматчилар ҳеч қандай ташаббус, ижодий изланиш кўрсатишмасди. Энди, даромад бажарилган ишга бевосита тақаб қўйилганидан сўнг, меҳнат унумдорлиги ҳам ўсди. «Буромадга яраша даромад» деганларидек, иш ҳақи ҳам ошди.

**— Ишчи кучи етишмаслиги масаласи сизларда қай даражада ҳал этилган?**

— Бизда ҳам муайян мутахассисларга эҳтиёж йўқ эмас. Бироқ бошқа цехлардагидан фарқли ўлароқ, тўғри келган одамни ишга қабул қилавермаймиз. Агар бирор бригада аҳли келишиб, янги ишчини қабул қилишга рози бўлсалар, бош устига. Лекин аксарият ҳолларда улар бош тортишади. Чунки, янги меҳнат шаклининг ажойиб хусусияти одам сонидан қатъи назар, бажарилган ишга қараб ҳақ тўланишидир.

**— Маъмурият шартномада белгиланган мажбуриятларни тўла адо этаяптими? Хусусан, таъминот соҳасида узилиш йўқми?**

— Бўлганда қандоқ! Цех талаб даражасининг 70 фоизи атрофида таъмин этилаяпти, холос. Лекин бу узилишларга фақат корхона маъмуриятигина айбдор эмас. Турли минтақалардаги таъминотчиларимиз бизни ёмон аҳволга солиб қўйишяпти. Мамлакат миқёсидаги бош-бошдоқлик, иқтисодий инқироз ишлаб чиқариш алоқаларини кунпаякун қилмоқда. Томонлар белгиланган мажбуриятларини бажармай қўймоқдалар. Тасаввур қилинг: корхонамизга металл керак. Таъминотчимизни эса илгари имзоланган шартнома мажбурияти эндиликда сариқ чақачалик қизиқтирмай қўйди. «Бир вагон гўшт берсанг ёки 10 та тиркама оширсанг бир вагон металл бераман», деб туриб олади. Ҳой, барака топкур, заводнинг гўшт комбинати бўлмаса, гўштни қаердан олади? Тиркамага келсак, давлат буюртмаси бор. Нима ҳисобига, «қай охурдан» ортиқча 10 та тиркамани оламиз? Ана шу тариқа Орёл, Владимир ва бошқа шаҳарлардаги таъминотчиларимиз панд беришмоқда.

**— Оғир аҳволдан чиқиш йўллари борми?**

— Янги иқтисодий муносабатлар янгича иш юритишни тақозо этаяпти. Менимча, давлат буюртмаси салмоғини камайтириш лозим. Қизиқ жойини қарангки, таъминот тўла бўлмаганига қарамай, биздан режани 100 фоиз бажаришни талаб этишади. Нима ҳисобига? Ички имкониятлар ҳисобига эмиш. Ахир бу имкониятлар миқдори битмас-туганмас эмас-ку! Агар давлат буюртмаси салмоғи камайтирилса, маҳсулотимизнинг бир қисмини ўзимиз сотар эдик. Тушум ҳисобига таъминотимизни мувофиқлаштирган бўлардик.

**— Яна қандай муаммолар ишингизга тўсиқ бўлмоқда?**

— «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» дейишади. Ишчи-хизматчиларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишда қўлимиз қисқалик қилмоқда. Гап маблағимиз йўқлигида эмас. Йил давомида маданий-маиший мақсадларга ишлатилиши лозим жамғармамизда 22000 сўм тўпланиб қолган. Лекин тўрачиликнинг чуқур илдиз отган иллатлари ўз маблағимиздан ўзимиз фойдаланишимизга тўсқинлик қилмоқда.

**— Бозор иқтисодиёти даврида цех фаолияти қандай мазмун касб этади?**

— Биз ўн йиллар давомида шаклланган иқтисодий алоқаларни жуда тез муддатда бузиб ташладик. Маъмурий-буйруқбозлик, марказлаштириш системаси хонавайрон этилди-ю, ўрнига муносиб иқтисодий иш юритиш системаси таклиф этилмади. Остонада турган бозор иқтисодиёти даврида корхона синиб қолмаслиги учун нима қилиш керак? Бу борада бир нечта мулоҳазам бор. Биринчидан, меҳнат интизомини қатъийлаштириш керак. Корхона цехлари иқтисодий мустақилликка эга бўлишлари лозим. Улар ўзаро келишиб цехлараро банк ташкил этсинлар.

Иккинчидан, мустақил цехлар ягона ассоциацияга бирлашишлари, ҳар бир цех ҳуқуқий ваколатга, банкда шахсий ҳисобга ва ўз муҳрига эга бўлиши керак. Ассоциация корхона бошқарув тартибини қайтадан кўриб чиқиб, ишлаб чиқаришга ҳақиқатан фойдаси тегадиган хизматларни қолдириб, қуруқ қоғоз кўтариш билан банд «хизматчилар»дан воз кечиши лозим. Бу тадбирлар ҳисобига ёнга қоладиган маблағни иш унумдорлигининг асосий мезони — иш ҳақини оширишга сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

**— Айтинг-чи, янада илғор меҳнат шакли — ижара пудратига ўтиш ниятларингиз борми?**

— Албатта. Лекин ижарани жорий этишдан олдин иккала томон ҳам, яъни маъмурият ва цех бўлажак шартноманинг барча жиҳатларини пухта ўйлаб чиқиб, сўнгра амалда тадбиқ этишлари лозим. Агар барча тайёргарлик ишларини ўйлаганимиздек амалга ошира олсак, кейинги йил ижарани қўллаймиз.

Суҳбатдош Т. НУРМУҲАМЕДОВ.

Ҳавас қилинг...

# БИБИНУР ОПА ЙЎЛДА

Бибинур опа Сингатуллина 2-трамвай корхонасининг ҳурматга сазовор, ширинсўз ҳайдовчиларидан. Умрининг 33 йилини шаҳарликлар узоғини яқин, оғирини енгил, вақтини тежашга сарфлади.

У 1926 йилда Ульянов шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини жуда эрта, шаҳар дон маҳсулотлари тайёрлаш идорасидан бошлади. Кейин 17 ёшга тўлмаган навниҳол қиз ихтиёрий фронтга отланди. Бу вақтда уруш энг қизғин паллага кириб, немислар Сталинград шаҳри томон бостириб келмоқда эди. Б. Сингатуллина беомон жангни ана шу ерда қарши олди. Жанг майдонида ҳарбий ҳамшира бўлиб, ярадорларнинг жонига оро кирди. Қисмларимиз билан Польшагача борди. 1945 йили кўксини ғолиблик медаллари билан тўлдириб она шаҳри Ульяновга қайтди.

Кейинчалик у қалб амри билан Тошкент шаҳрига келди. Трамвай хўжалигида ҳайдовчи бўлиб, шаҳарликларга хизмат кўрсата бошлади. Узоқ вақт ҳайдовчилик фаолиятида бирор марта ҳам нохуш воқеа рўй бермади. 5 миллиондан ортиқ йўловчини ўз манзилга бехатар етказди. Диққат-эътибор билан вагон бошқариши, йўловчиларга меҳрибонлиги натижасида меҳнатда камол топди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат кексаси деган шарафли номга сазовор бўлди.

Бешқайрағоч массиви — Отчопар ўйингоҳи оралиғида қатнайдиган 17-трамвай маршрутида эрта билан йўловчилар тирбанд. Ҳайдовчи рўйхушлик билан бекатлар номини эълон қилади. Салонда ўзаро ҳурмат, қарияларга, болалик аёлларга жой беришни йўловчиларга эслатиб боради. Таниш овоздан салондагиларнинг чеҳраларида хушнудлик аломати зоҳир бўлади.

Ҳа, Бибинур опа йўловчилар орасида ҳам иззат, ҳам ҳурматга сазовор. У ҳар куни эрта тонгда 2230 рақамли трамвай вагонини бошқариб смена давомида 600—700 йўловчига намунали хизмат кўрсатади.

Тўрт фарзандни вояга етказган меҳрибон она ўз ҳаётидан беҳад миннатдор. Турмуш ўртоғи ва фарзандлари қурувчи касбини шарафлаб келишмоқда.

С. АЛИЕВ.

# БУНЁДКОРЛАР

«11-баланд уйлар қуриш» трестининг 11-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Ҳамид Олимжон майдонида қад кўтараётган «Дўстлик» комплексидаги ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Бу йил бинокорлар тўртта 16 қаватли ҳар бири 135 квартирали турар жойларни қуриб беришни зиммаларига олган эдилар. Ҳозирда комплекс бригадаларнинг Борис Казанков, Комил Қаюмов, Равил Гумиров, Сергей Павлов, Убай Раҳимов каби турли миллат вакилларидан иборат қурувчилари бир ёқадан бош чиқариб, ишлаб, режаларини ошириб адо этишяпти. Фойдаланишга топширилган биноларнинг биринчи қаватида маданий-маиший дўкончалар иш бошлади.

Шу трестнинг мусобақадош 17-қурилиш бошқармаси аъзолари Ленин шоҳкўчаси билан Навоий кўчаси муюлишида бунёд этилаётган 9 қаватли бинонинг 7—8 қаватида қурилиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқда. Бу бинога ССЖИ Ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент ёнғиндан сақлаш олий мактаби талабаларининг муҳандислик ўқув лабораторияси жойлашади. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 2 миллион 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган. Қурилишда Гулмирза Бобожонов бошлиқ комплекс бригада аъзолари ўз ишларини яхши адо этмоқдалар. Жамоанинг Сергей Кревоусов, Зуҳриддин Назаров, Юра Агай, Даниил Якубов, Люба Ванникова сингари бунёдкорлари ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.



**⊙ ТОШКЕНТДАГИ фурнитура ва технология жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси корхонанинг пешқадам ишчилари Тамара Крамар ва Ольга Шестериналарнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси ҳар иккала ишчи ўзларига топширилган юмушларга масъулият билан ёндошадилар.**

Т. Каримов сурати.

# МУШКУЛЛАРИ ОСОН БЎЛДИ

⊙ ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон маиший техника таъмирлаш корхонасининг шаҳримизда иш олиб бораётган ташкилоти мутахассислари меҳнатидан чуқур қониқиш ҳосил қилмаётган одамни учратиш оғир. Негаки, уй-рўзғор ишларида ҳамиша бизга асқотадиган, мушкулимизни енгил қиладиган маиший техника буюмлари бузилиб қолса ёки ишдан чиқса, албатта мана шу ташкилот ходимларининг ёрдамига эҳтиёж сезилади. Уларнинг беминнат кўмаги туфайли ишдан чиққан чанг ютгич, музлатгич ёки тикув машинасини ҳеч қандай қийинчиликсиз созлатиб олиш мумкин.

Яқин кунларгача хизматнинг мана шу турига шаҳримизнинг энг кенжа турар жой мавзелари бўлмиш Ал-Хоразмий ва Гулистонда катта эҳтиёж сезиларди. Шу атрофда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги ўзидан бир неча ўн километр олисда жойлашган, шаҳарнинг гавжум жойларида иш олиб бораётган таъмирлаш устахоналарига маиший техника буюмларини созлатиш учун мурожаат этишга мажбур бўлардилар. Куни-кеча бу оворагарчиликларга чек қўйилди. Ал-Хоразмий мавзесида ишга туширилган янги таъмирлаш устахонаси иккала мавзе аҳолисининг ҳам оғирини енгил қила бошлади.

Шуниси қувончлики, устахонанинг кенг фаолият кўрсатиши, аҳоли буюртмаларини муваффақиятли адо этиши учун янги бинода барча шароитлар мужассам этилган.

А. РУСТАМОВ.

**⊙ ТОЖИКИСТОН ССЖ. ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий-биологик муаммолар илмгоҳининг олимлари Анзоб довонида кислород танқислиги шароитида мухтор госпитал модулининг техник параметрлари ва барча системаларининг ҳаётни таъминлашини текширдилар.**

**Унинг асосий вазифаси — турли хил фавқулодда ҳолатларда зарар кўрганларга ёрдам бериш, космик кемалар экипажларини эвакуацияга тайёрлаш. Мухтор электр қуввати билан таъминланган модулни парашютлар ёрдамида бориш қийин бўлган барча ҳудудларга тушириш мумкин. Модулда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли бўлган барча анжомлар: лаборатория, диагностика жиҳозлари ва жарроҳлик блоки мавжуд.**

**Тоғ довонларида олиб борилган ишлар натижасида иссиқлик билан таъминлаш системасида камчиликлар борлиги маълум бўлди. Энди янги техник ечимларни излашга тўғри келади.**



**СУРАТДА: Анзоб довонидаги госпитал модули.**

**Ю. Машков (ТАСС) сурати**

